ЮКСАК ОЛИМПИЯ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ЛОЗАННА, 6 февраль (ЎзА махсус мухбири хабар қилади).

Бугун Халқаро Олимпия Қўмитасининг қарорғоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олтин Олимпия орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Бу ноёб орденга элликдан ортиқ киши сазовор бўлган. Улар орасида қироллар сулоласи аъзолари, Рим папалари, Франсуа Миттеран, Борис Ельцин ва бошқа атоқли давлат арбоблари бор.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч юксак мукофотни топширар экан, Ислом Каримовга бундай деди: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқатингиз учун биз сизни Олимпия ордени билан мукофотлаймиз».

Президент Ислом Каримов Халқаро Олимпия Қўмитаси ва шахсан қўмита президентига миннатдорлик билдирди. Олимпия ҳаракати сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни спорт орқали бирлаштира бориб, давлатлараро муносабатлар тизимида кучли жипслаштирувчи омил бўлиб қолгани айниқса қувончлидир, деб таъкидлади Президент.

Маросимда олимпия ҳаракати ва жамоатчиликнинг кўзга кўринган вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Лозаннадаги олимпия ҳаракати музейини бориб кўрди.

Ўзбекистон Президенти шу куни Ватанига жўнаб кетди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида уни республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олдилар.

Олтин Олимпия ордени.



Олтин Олимпия орденининг дипломи.

Ватан аҳлларига деганларим

Эл гуссасини сиғдурмагинг мақсуд эт,
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

***

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига моҳи дармон бўлгил.

***

Неким ўз қошиғда эрур норавo,
Улуққа они кўрма асло раво.

***

Нафсинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу нафс ўзингга кўпрак эрур.

***

Ҳар ганийки, тириклигида эҳсонидан кўнгилларни шод қилмагай,
Ўлганидан сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмагай.

Алишер НАВОИЙ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 8 февраль, пайшанба № 17 (21.938).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УНГА ОЛИМПИЯ ОЛТИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноблари!

Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолари — жаноблар!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга кўрсатган юксак ҳурматингиз — мени Олимпия Олтин ордени билан мукофотлашга қарор қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Мен бу мукофотни катта ҳаяжон билан қабул қилиб оляпман, чунки у моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўта ноёб мукофотдир.

Мен спортни севмайдиган кишини топиш қийин, десам бирон-бир янгилик кашф этган бўлмайман. Чунки спорт замирида ҳар бир киши ўзининг эзгу орзу-умидларини амалга ошириши учун улкан имкониятлар мавжуд. Спорт ҳар бир давлат арбоби ва сиёсатчи учун ҳамиша ўз кучи ва истеъдодини синаб кўрадиган муҳим соҳа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Жаноб Самаранч, сизнинг қўлингиздан, олимпия ҳаракатини ривожлантириш учун кўп иш қилган, ишончим комилки, бундан кейин ҳам кўп иш қиладиган кишининг қўлидан Олий Олимпия мукофотини қабул қилиб олиш мен учун жуда ёқимлидир.

Менга сизнинг спорт тараққиётини маданият ва маориф тараққиёти билан қўшиб олиб бориш принципингиз жуда маъқул, жаноб Самаранч.

Халқаро Олимпия Қўмитаси барча ирқлар ва халқлар тенглиги учун ҳаммадан кўп жон куйдираётган ташкилот, одамлар ўртасидаги ҳар қандай ғовларни олиб ташлаб, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотини кўзлаб уларни қардошларга айлантиришга қодир бўлган кучдир, десам бошқалар хафа бўлмаса керак.

Азиз дўстлар, биз кўпинча ўзимизга нега олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун шу қадар кўп мамлакат ва халқлар курашади, деган саволни берамиз.

Бу саволга жавоблар жуда кўп, бу жавобларнинг ҳаммаси ҳам тўғри. Олимпия ўйинларини ўтказишдан мамлакатлар, шаҳарлар, сиёсат, бизнес ҳам манфаатдордир.

СУРАТДА: юксак мукофотни топшириш пайти.

Аммо одамлар ва халқлар ўртасидаги яхши муносабатлар, дўстлик, ҳамжиҳатлик асосий ютуқ бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Шу сабабли олимпия ҳаракати ҳозирги шароитда улкан аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноблари!

Халқаро Олимпия Қўмитаси ҳомийлигида биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш доирасида Ўзбекистонга ташрифингизни биз алоҳида мамнуният билан эслаймиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлаб қабул қилинган Ўзбекистон қонунларидан бири жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун эканини сиз яхши биласиз. Бу қонунда республикада олимпия ҳаракатини ривожлантиришни давлат рағбатлантиради ва бунинг учун ҳамма шарт-шароитни яратади, дейилган.

Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси 1992 йил 21 январда тузилган. 1993 йилнинг сентябрида эса Халқаро Олимпия Қўмитасининг 101-сессияси бизнинг Миллий Олимпия қўмитамизни тўла-тўкис таниган. Бунинг учун ҳам сиздан самимий миннатдормиз.

Биз олимпия оиласига расмий равишда 1993 йилда қабул қилинган бўлсак ҳам, Ўзбекистон спортчилари 1952 йилдан бошлаб олдин СССР таркибида, 1992 йилдан бошлаб эса МДҲ таркибида барча олимпия ўйинларида иштирок этган.

Ўзбекистон спортчилари олимпия ўйинларида анча муваффақиятли қатнашган. 15 спортчи чемпион бўлган, 12 спортчи кумуш, 9 киши бронза медали олган.

Дарвоқе, Барселонадаги ўйинларда учта спортчимиз — иккита гимнастикачи қиз ва битта енгил атлетикачи олимпия ўйинлари чемпиони бўлди.

Ажойиб спортчимиз Лина Чирязова Лиллехамердаги қишки олимпия ўйинларида фристайл бўйича биринчи олимпия чемпиони бўлди.

Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида илк бор иштирок этган Ўзбекистон спортчилари 10 та олтин, 11 та кумуш ва 19 та бронза медални қўлга киритиб, норасмий умумкоманда ҳисобида 5-ўринни эгаллашди. Футбол командамиз ютуғи, айниқса яхши эсда қолди, футболчиларимиз ҳақли равишда Осиёдаги кучли командалардан бири эканини кўрсатди.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Бугун мен олимпия ғояси спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда ер курраси дагги барча кучли спортчилар тўпланадиган йирик анжуманларни ўтказишдан кўра кенгроқ тадбирларни ўз ичига олади, деб ҳисобловчиларни қўллаб-қувватламоқчиман.

Ўзининг тарбияўий аҳамияти, байрам маросимлари, санъати билан вужудга келган обрў-эътибори, буюк артистлар, олимлар, файласуфлар ва шоирлар ўз ҳиссасини қўшган алоҳида муҳит ҳамда спортга умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми деб қарашга имкон берадиган ғўзал рамз бўлмаса, буларсиз олимпия ҳаракати олимпия ўйинларининг ўзи ҳам ҳозиргидек ривожланмаган бўларди.

Сўнгги ўн йилликларда Олимпиадаларнинг кўлами анча ошди. Ҳар тўрт йилда бу ўйинларда иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони доимий равишда кўпайиб бораётганидан фахрланишимиз лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ Халқаро Олимпиада Қўмитасининг аъзолари БМТга аъзо бўлган давлатлардан ҳам кўпроқ.

Олимпия ҳаракати давлатлараро муносабатлар тизимида уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, спорт орқали сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни бирлаштирувчи қудратли омил бўлиб қолди.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги сиёсий мухолифлик даври орқада қолган ҳозирги пайтда Жаҳон Олимпия Қўмитаси олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг янги ёндашувлари ва истиқболларини белгилаганини кўриб турибмиз. Тинчлик ва одамларнинг бирлашуви рамзи бўлган олимпия ўйинларининг табиатида спортчиларнинг уларнинг миллати, ирқи ёки динидан қатъи назар, бир-бирига яқинлаштиришнинг катта имкониятлари мавжуд.

Жаноб Самаранч!

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро Олимпия Қўмитасининг фахрий мукофоти учун яна бир бор чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

Очиғини айтсам, мен ҳеч қачон орденларимни тақиб юрмайман. Лекин ҳозир кўнглимда янги орзу пайдо бўлди — яқин келажакда бизнинг орзуларимиз ушалиб, Тошкентда олимпия олови ёқилганида мен шу орденни тақиб ватаним пойтахтидаги олимпия ўйинларида ҳозир бўламан ва иштирок этаман, деб умид қиламан.

Хонимлар ва жаноблар, шу орзу-умидимиз ушалиши йўлида бизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламан.

Ҳаммангизга саломатлик ва бахт-саодат, олимпия ҳаракатига ривож ва равнақ тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ШАРҲЛОВЧИЛАР МАШҒУЛОТИ

Республика Президенти девони ахборот маркази ҳузурида йиғилган шарҳловчилар гуруҳининг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Унда республика Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Шермуҳаммад Ўринбоев, мазкур қўмитанинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳмедов, солиққа тортиш услубияти бошқармаси бошлиғи Эркин Гадоевлар журналистларга солиқ тизимидаги ислоҳотлар ҳақида муфассал гапириб бердилар.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида соҳага оид ўзгаришлар шу қадар шиддат билан кетяптики, янги маълумотлар нафақат солиқ тўловчиларга, ҳатто айрим солиқчиларга ҳам ўз вақтида етиб бормаяпти. Бу борадаги алоқани яхшилашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканлиги таъкидланди. Ўтган йили Давлат солиқ қўмитаси ходимлари қанча миқдорда яширилган даромадни аниқлаб бердилар? Меҳнаткашлар яхши ишлашдан манфаатдор бўлишлари учун қайси омиллар ишга солиняпти? Солиққа тортишда кимлар қандай имтиёзларга эга? Шу ва шу каби қатор саволларга мутасадди раҳбарлар тўлиқ ва атрофлича жавоб бердилар. Қўмита раиси ўринбосари ишонч телефони ишлаб турганини, 41-76-00 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб, барча қизиқтирган саволларга жавоб олиш, айни пайтда жойларда қонунга риоя этилиши билан боғлиқ маълумотларни хабар қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Ахборот марказида бундай машғулотлар ўтказиш анъанавий тус олмоқда.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ДАРОМАДДАН ТАЛАФОТИ КЎП

«Чекишга чорловчи «чавандоз»ни ўқиб

Мақолада кўтарилган мавзуга тиббиётчи олим сифатида ўз фикримни билдирмоқчи эдим. Чекиш — саломатлик учун зарарли, деган иборани илгари ҳам кўп эшитгансиз. Бу сўзларни ҳатто собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги сигарета ва папиросларнинг қутичасига огоҳлантириш мақсадида ёзиб ҳам қўярди.

Ҳозир дунёдаги ривожланган давлатларда, айниқса, АҚШда чекишга қарши кураш давлат сиёсатига айланган. Аммо Ҳамдўстлик давлатларида чекувчилар сони камаймаяпти. Чунончи оммавий ахборот воситаларининг эълон қилишича, МДҲда чекувчилар аҳолининг 75 фоизини, АҚШда эса 25 фоизини ташкил қилар экан.

Айтайлик, республика Кардиология илмий-текшириш институти ўтказган кузатувларга кўра, юрак ва қон-томир касалликларига чалинган беморлар ўртасида чекувчилар 50-60 фоизни ташкил этади. Демак, бизда чекувчилар оз эмас деган хулосага асос бор. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда, айниқса, Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда чекувчиларнинг кўпайишига шарт-шароит бемалол бўлиб қолди.

Буни қарангки, ҳар қадамда сигарета сотиш, кўчаларга, дўконларнинг пештахталарида, ҳатто баъзи биноларнинг кўчага қараган деворларида «Мальборо», «Гамелл», «Лайки страйк» каби жозибали рекламалар гавҳардай товланиб турибди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чекишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириши ушбу рекламалар ва «бозор иқтисодиёти муаммолари»нинг соясида қолиб кетяпти. Гапимизни «чекиш ёки чекмаслик ҳар кимнинг шахсий иши» — деган ибора нақадар ўринсиз, хатарли эканини қайд қилиш билан давом эттирмоқчимиз. Масаланинг мағзи шундаки, чекувчиларнинг атрофидаги одамлар «беихтиёр чекувчи» бўлиб қолишади, худди чекувчиларга хос касалликларга ҳам чалинишади.

Акс-садо

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатганки, тутаб турган сигарета (папирос)ни бамисоли алоҳида кимёвий фабрика деса бўлади. Чунки куяётган тамакидан 4000 дан зиёд ҳар хил бирлашма ажралиб чиқиб, шулардан камида 12 таси рак чақирадиган моддалардир.

Сурункали бронхитларнинг 82 фоизи юзага чиқишига чекиш сабабчи. Шу касаллик оқибатидан кўз юмадиган беморлар орасида чекадиганлар чекмайдиганларга қараганда 20-30 баравар кўпроқ бўлишаркан.

Ҳар хил текширишлар натижасига кўра, чекадиган одамларнинг мия қон томирлари қисилиб, мия инсульти чекмайдиганларга қараганда 4-6 баравар кўп учраркан. Узлуксиз чекиш хотиранинг, диққат-эътиборнинг пасайишига, жинсий заифликка, бепуштликка олиб келиши мумкин.

Никотиннинг таъсирида меъда ширасининг ўзгариши, ошқозон ва 12 бармоқли ичакда яраларнинг тез пайдо бўлиши кузатилади. Папирос тутунидан ўпка орқали қонга ўтган кўпгина кимёвий агентлар модда алмашинувини, жумладан, гормонлар мувозанатини издан чиқариши, қандли диабет, буқоқ, буйракусти безининг шиши каби оғир касалликларни келтириб чиқариши ҳолатлари ҳам тез-тез учраб туради.

Кўпгина изланишларда чекиш, ҳатто, наслга ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги исботланган. Эри ёки ўзи чекадиган аёлларда, болаларнинг вақтидан олдин ёки майиб-мажруҳ бўлиб туғилиши чекмайдиган оилаларга қараганда 2-4 баравар кўп учраб туради.

Шуни қайд қилиш, керакки, чекиш кўпгина дориларнинг таъсирини камайтиради ёки йўқ қилади. Натижада юрак ва қон томирлар хасталиги, қандли диабет, нафас ва ошқозон-ичак тизимининг касалликлари зўрайиб, нохуш оқибатларга олиб келади.

Умуман олганда, чекадиган одамлар чекмайдиганларга нисбатан 3-5 марта кўп касалланадилар.

Ўрни келганда савдо ходимларига, ишбилармонларга, тижоратчиларга, воситачиларга мурожаат қилмоқчимиз: «Сигарета, сигара, папирос, умуман тамаки маҳсулотларини сотишни чегараланг! Шу оғу туфайли оладиган фойдангиздан кечинг! Ёдингизда бўлсин, чекиш — гиёҳвандликнинг энг тарқалган туридир! Халқимизни заҳарламанг!»

Озод ХЎЖАЕВ,
Кардиология илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

СЎНГГИ СОАТДА

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Австрия ва Швейцариянинг дори-дармон ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалари ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига тақдим этган инсонпарварлик ёрдами Оролбўйи минтақаси — Хоразмга ҳам келтирилди.

***

• Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм вилоят марказий кутубхонасида буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Унда таниқли тарихчи олимлар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, у яшаган давр давлат тузуми ҳақида маърузалар ўқишди.

***

• Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими олимлари яратган «Орол-1» пахта нави синовдан муваффақиятли ўтди. Бу нав экилган Тахтакўпир, Элликқалъа, Чимбой, Хўжайли, Бухоро вилоятининг Қоракўл, Хоразм вилоятининг Хева ва Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманлари қўрғоқчил ерларида гектар бошига ўртача 22-24 центнердан ҳосил олинди.

***

• Қадимий Бухоронинг 2500 йиллик туйи тантаналарига ташриф буюрадиган меҳмонлар янги аэровокзал биносида кутиб олинади. Унинг янги мажмуи халқаро талабларга жавоб беради. Учиш-қўниш майдончалари кенгайтирилади. Ерости сувлари сатҳини пасайтириш учун айланма дренаж барпо этилади. Бу ишлар япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда бажарилади.

ЖАҲОНДА

• Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Эгей денгизидаги орол билан боғлиқ можарони узаро ҳамкорликда ҳал этгани учун Туркия ва Греция раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Оқ уй раҳбари матбуот котибининг маълум қилишича, Билл Клинтон шу муносабат билан Туркия Президенти ва Бош вазирига, шунингдек Греция Бош вазирига ҳам мактуб йўллаган. Маълумки, яқинда Эгей денгизидаги муъжаз орол туфайли Туркия билан Греция ўртасидаги муносабатлар кескинлашган эди.

***

• Вильнюсда Латвия, Литва ва Эстония ташқи ишлар вазирларининг анъанавий конференцияси бўлиб ўтди. Болтиқбўйи мамлакатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар. Шунингдек, халқаро ташкилотлар, НАТО, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

***

• Грузия Президенти имзолаган мамлакатнинг 1996 йилдаги бюджети лойиҳаси ниҳоят парламентга тақдим қилинди. Ушбу лойиҳани тайёрлаш ва муҳокама этиш жуда мураккаб бўлди ва узоқ вақтни олди. Унга кўра бюджетдаги камомад 29 фоизни ташкил қилади. Энди парламент лойиҳани икки кун давомида кўриб чиқади.

***

• Европа Иттифоқи Фаластин давлати ҳудудида 300 га яқин маҳаллий ҳокимият органлари ташкил этиш учун моддий, иқтисодий ва техник жиҳатдан ёрдам беришга қарор қилди. Шунингдек, Европа Иттифоқи 5 мутахассисликларга ўқитишни ўз зиммасига олди.

(ЎзА ва чет эл матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).

Бири кам дунё

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Мирзачўлга ҳужум бошланганда марду майдонлар орасида Суюнбой Холбоев ҳам бор эди. Асли Булунғурдан бўлиб, қишлоқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан битириб келган йигитни Мирзачўлга ҳужум штаби — собиқ Ильич туманида илиқ кутиб олишиб, энг шўрхок минтақада ташкил этилаётган хўжаликка юборишди. Совхознинг номи, деҳқончилик қилинадиган экин майдонлари, сув йўллари ва техника бор. Лекин ишни юритадиган кишилар, улар яшайдиган уй-жойлар йўқ. Хўжалик идораси тахтадан тикланган омонат бинода жойлашган.

— Ҳозирча боримиз шу, — дейди Суюнбойни очиқ чеҳра билан қарши олган хўжалик раҳбари Кретев. — Қолганини биргаликда яратишимиз керак.

Суюнбой фақат Ильич туманида эмас, Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли, «Манас» хўжаликларида ҳамда туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бош агроном ва Меҳнатобод туманидаги «Чилонзор» ёрдамчи хўжалигига раҳбар бўлиб ишлаган йилларида ҳам ишончни оқламоқ учун, сув келса симириб, тош келса кемириб, деганларидек, қиш изғирини, ёз жазирамасида оч-наҳор елиб-югуришига, ҳаловатидан кечиб, тунларни уйқусиз ўтказишга тўғри келди. Ҳатто ҳарорати кўтарилиб, буйрагида қаттиқ оғриқ сезганида ҳам йиғим-теримни тугатиб олгунча чидаб юрган пайтлари ҳам бўлди.

— Ахир, мен мутахассис раҳбарман. Чўл шароитини биласиз, жиловини бўш қўйиб бўлмайди, — дейди Суюнбой. — Шундай бўлардики, давлат иши, одамлар ташвиши, деб ҳатто ўн кунлаб болаларни кўришга, бир нафас бағримга босиб, эркалашга имкон топмасдим. Шунда келин ойингиз «Бундай ўзингизни, бизни ҳам ўйласангиз-чи. Худо кўрсатмасин. Соғлиғингиз ёмонлашиб, бошингиз болишга тегса, ҳеч кимга керак бўлмай қоласиз» дерди кўзига ёш олиб.

Буни қарангки, шундай бўлиб қолди ҳам. Ёшликдаги югур-югурлар, вақт билан ҳисоблашмаслик, ноҳақ қамоқда ўтирган тўрт йиллик азоблар асоратини кўрсатди. Уни тўшакка михлаб ташлади.

— Балки гдлянчилар чангалига тушмаганимда, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ тўрт йил қамоқхонанинг зах ва қоронғу ҳужраларида ич-ичимдан эзилмаганимда бугун ҳам яшиндек чақнаб, ишлаб юрармидим, — дейди у. — Илож қанча, тақдирдан қочиб қутулиб бўладими?

Умид ва ишонч билан яшаган Суюнбой қўлига оқлов қоғози тегиши билан қадрдон макони — Мирзачўлга ошиқди. Уни Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли хўжаликка агроном қилиб юборишди. Ўша пайтда бу жамоа анча чўкиб, катта маблағлар ҳисобига ўзлаштирилган майдоннинг анчагина қисми экишга яроқсиз эди.

Бош агроном сифатида бошқа мутахассислар билан биргаликда хўжаликни кўтаришга интилган Суюнбой кўпчиликнинг ишончини оқлади. Хўжалик оёққа туриб, олдинги шуҳрати тикланди. Аммо, югур-югурлар, қолаверса қамоқхонада орттирган дард асорати уни йиқитди. Буйрақдаги тош хуружга келиб, аҳволи яна оғирлашиб қолди. Беморни Сирдарё вилояти шифохонаси урология бўлимига олиб келишди. Шифокорларнинг хулосаси шундай: тош катталашиб, буйрак фаолиятини ишдан чиқарган, буйрак ишламай қолиб бошқа аъзоларига ҳам таъсир қилган. Ягона йўли буйракни олиб ташлаш!

Суюнбойнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш беш соат давом этди. Қиличдек йигит яримта бўлиб, умрбод ногирон бўлиб қолди. Шундай бўлса ҳам болаларининг бахтига омон қолди.

— Бутун умрим чўлда ўтди, юрт ташвиши, одамлар ғамини ўйлаб юрдим. На шахсий уй қурдим, на машина олдим, на пул тўпладим. Фақат дўстлар орттирдим, — деди кўзларидаги ёшни артиб Суюнбой.

У тортиниб, айтишга ози бормади. У дўстларининг ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамига жуда-жуда муҳтож. Қани энди улар даволанишларига ҳоли-қудрат кўмаклашиб, мададкор бўлсалар.

Ишончимиз комилки, Суюнбойни билган кишилар, бирга ишлашган дўстлари орасида меҳр-оқибатли инсонлар кўп. Биз ана шуларга мурожаат қилиб «Суюнбойдан меҳрингизни дариғ тутманг, шу оғир дамларда унга мададкор бўлинг», деймиз.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Биз шундай халқмиз

ДЕҲҚОНЧИЛИК «ПРОФЕССОР»И

Раҳматхон Соипов Пискентдагина эмас, Тошкент вилоятида ҳам кўпчилик биладиган тадбиркор раҳбарлардан. Тўғриси, у киши билан ёзда — «Пискент» жамоа хўжалиги ғалла тайёрлаш режасини 178 фоизга бажариб, пахта терими бошланиши арафасида учрашиб, шу хўжалик фаолияти ҳақида ёзмоқчи эдим. Ҳосил зўр бўлгач, ўз юртдошлари орасида «деҳқончилик профессори» деган ном олган бу одамдан бир дунё янгиликлар эшитиб қайтаман деган ниятда бордим. Лекин камгап ва камтарин раиснинг жавоби қисқа бўлди: «Пахта планини бажарайлик, кейин гаплашсак бўлармиди».

Раҳматхон аканинг айтгани келди. Ғалвир сувдан кўтарилди. Энг муҳими, деярли ҳамма соҳада режалар уддаланиб, хўжалик аҳлининг юзи ёруғ бўлди. Лекин... Биз раис билан бу гал даладамас, касалхонада учрашдик. Ҳижолатомуз оҳангда «нима қилай, уч фасл сабр қилдим. Оёқ қурғур қийнайверди. Бунням даштларда орттирганман. На илож?» деб кўйди. Сўнг гурунгимиз бошланди.

— Сиз суяги далада қотган бир деҳқон-раҳбарсиз. Келинг, суҳбатни дунёда энг азиз ва муборак таом ҳисобланмиш нондан, ғалладан бошлайлик.

— Нон — бу Оллоҳнинг ўз бандаларига берган энг азиз неъмати. Шунинг учун ҳам юртимизнинг бойлиги, халқимизнинг ризқ-рўзи ҳисобланмиш ғалла етиштириш савобли эканини чин юракдан ҳис этган деҳқонларимизга ўтган йили Худонинг ўзи мададкор бўлди. Ўрим-йиғим тугагач, бажарган ишига қараб комбайнчиларга, юк машиналари ҳайдовчиларига ва ўримда қатнашганларга мукофот тариқасида дон улашдик. Хуллас, ўтган йили минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, туманда биринчи бўлиб маррани эгалладик. Ҳосилнинг 400 тоннадан ортиқроғи аҳолига тарқатилди. 500 тоннаси уруғликка қолдирилди. Ҳар гектар ердан 35 центнердан оширганларга ҳосилнинг ортиғи ўзларига мукофот сифатида қолдирилди. Бу кўрсаткичларни 40-50 центнерга етказганларга алоҳида совринлар бердик.

— Раҳматхон ака, Сиз ўн йил давомида кўпинча иқтсоди оғирлашиб қолган хўжаликларда раҳбарлик қилиб, уларни доимо илғорлар қаторига қўшдингиз. Шунча ютуқлар осонликча келмагандир?

— Қаердаки меҳнатга ижобий муносабат ва ишчиларда моддий манфаатдорлик уйғонса, ўша ерда доимо муваффақият бўлади. «Ўзбекистон»га келганимда бу хўжалик «Пискент» давлат хўжалигининг бир бўлими эди. 900 гектар ери бўлса-да, ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида режалар бажарилмаган. 240 гектар майдонда винобоп узумлар бор эди. Икки йил орасида яна қўшимча 117 гектар ерда мевали боғ яратдик. Минг тонна мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган омборхона қурдик. Кунига бир ярим тонна мева қуритиш қувватига эга бўлган цех очилди. Хўжалигимиз ҳудудида жойлашган вино заводида ичимликлар қадоқлайдиган линия ўрнатилди. Шунингдек, Россиядаги саноат шаҳарлари билан шартномалар тузиб ҳамкорлик қилдик. Қисқа вақт орасида хўжалигимиз туманда анча кўзга кўриниб қолди.

Эшитгансиз, Голландия қишлоқ хўжалиги ютуқлари ҳақида кўп гапиришади. У ёқда аҳолининг атиги беш фоизи шу соҳада банд бўлиб, бутун мамлакатни боқар экан. Бизда эса 70 фоизга яқин аҳоли қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади-ю, лекин деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг нархи... Бу эътирозларнинг замирида катта ҳақиқатлар ётибди. Асосий сабаб, биз ҳамон ўз имкониятимизни тўла англаб етолмаётганимиз. Ахир энди шўро замони эмаски, «берсанг ейман» деган ақидага амал қилсак. Бугун замон бошқача. Сиёсат, тараққиёт бутунлай ўзгарди. Шу ўринда меҳнатга муносабат ҳам. Ҳукуматимиз яхши ишлаш учун кенг йўл очиб қўйибди-ку.

— Мана, ҳозир янги йилнинг иккинчи ойида кўришиб турибмиз. Қизиқ-да энди. Аслида эртага бизни қандай воқеа-ҳодисалар кутаётганини Яратгандан бошқаси билмайди. Шундай бўлса-да, ўтган йилнинг сабоқлари ва қолаверса, бутун эл-улусни боқадиган сахий Ернинг дардлари хусусида гапирсангиз.

Дарвоқе, ўтган йилнинг сабоқлари кўп. Уларни айтиб ўтирмайин. Муҳими, одамларнинг кўзи эмас, ўзи тўйди. Энг қувончлиси, манфаатдорлик ошди-да. Ер дейсизми? У ҳозир уйқуда. Ҳаммаси бизга, яъни деҳқонга боғлиқ. Мана қишнинг қирчиллама чилласи ўтди. У ёғи энди аста-секин баҳорнинг майин ҳаволари келаверади.

... Раҳматхон ака мен билан хайрлашар экан, кулимсираб ташқарига ишора қилди: «Қорни қаранг. Кўриб кўнглим, кўзим яйраяпти. Бойси, бу қорлар Ўзбекистон далаларига ризқ бўлиб сочилаётир. Демак, худо хоҳласа бу йил ҳам дастурхонимиз тўкин бўлади».

Нор ҚОБИЛ суҳбатлашди.



Хивалик отахон:
— Шаҳримиз юбилейини худо хоҳласа кенг нишонлаймиз.
Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат-лавҳа.

МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Ўтган йили «Сурхон» жамоа хўжалиги партия ташкилоти яхши иш қилди: ғалла урим-йиғимини ўтказиш юзасидан тадбир белгилаб фаолият юритди. Тадбирнинг натижаси уларoқ хўжаликда урим-йиғим вақтида амалга оширилди. Давлатга дон сотиш режаси бажарилди.

Меҳнатнинг нони ширин, дейдилар партия ташкилоти котиби Ашур Худойбердиевнинг гапига кўра, бу йил бошидан ХДП аъзолари ғаллачиликни, айтиш мумкинки, оталиқларига олиб ишламоқдалар. Бу ерда ўтган йили 1740 гектарнинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олинди. Бу — кам. Бу йилги мўлжал камида 40 центнер. Малика Давлатова, Абрамат Болтаев, Искандар Муқимов, Абдираҳим Қаҳҳоров, Тоштемир Сориев сингари партия аъзолари ўзлари бошлиқ ғаллачилик звеноларида мўл ҳосилга замин яратиш учун ҳаракат қилишяпти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

МИЛЛИЙ МАКТАБ ЗАРУРМИ, МИЛЛИЙ ТАРБИЯМИ?

Бугунги болалар эртага халқ бўлади. Бутун халқнинг бошқа миллатлар ёнида боладек бўлиши тарих кечирмайдиган жиноят. Болалик эл-элатга ярашмайди, халқ бутун ҳолда ҳамиша навқирон, забардаст бўлмоғи лозим.

Мактаб муаммоси ҳар бир кишининг тақдирига дахлдор. Ҳамманинг манфаатига тегишли. Зотан, барча йўллар болаларни ҳам оталар қатнаган мактабларга элтади. Асримизнинг тўқсонинчи йилларигача, беш, олти ўн йилликда болалар оталар ўқиган китобларни ўқиб, улар айтган қўшиқларни айтиб, кинофильмларни кўриб улғайишди. Энди...

БУГУНГИ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК? Миллий мактаб қандай бўлиши лозим? Бу ҳақда турли, ҳатто зиддиятли, баҳсли фикрлар мавжуд. Дастлаб ўқувчи қиз ва болаларнинг атлас кўйлак, лозим, дўппи, тўн, яктак кийиб мактабга боргани кузатилди. Бу, айрим ўринларда мактабни миллийлаштириш, деб изоҳланди. Кўп ўтмай, миллий либосни замонавий, «мода»даги уст-бош қисиб чиқарди. Ёш, замонавий кўринишни истаган ўсмир йигит-қизлар учун айбми бу?! Улар кийинишда ўқитувчиларни ярим йўлда қолдириб кетди. Мактабни миллийлаштиришни ўқувчиларга миллий кийим кийгизишдан бошлаш унчалик ҳам тўғри эмаслиги тўрт-беш йилда аён бўлиб қолди. Энди асосан педагогларнинг ўзи ўқувчиларимиз ягона мактаб либосига қайтмоғи зарур, деган мулоҳазани илгари суриб, аксинча мулоҳазадан ташвишланмоқдалар . Бизнинг назаримизда эса, бир хиллик ўсмир хаёлотини, илҳомини, ижодий парвозини, сезилар-сезилмас бўлса-да, чегаралайди. Бир хилликдан, баравaрликдан, текисчиликдан узоқлашиш лозим. Ахир, бугунги куннинг, умуман давлатимиз тараққиётининг адолати, алҳол, бугунги кунда бутун дунёнинг адолати турфалик, ранг-баранглик эмасми? Бундан кейин фуқароларнинг кафолатланган ҳуқуқлардан фойдаланишдаги имкониятларигина тенг бўлади, холос. Ҳар ким шу имкониятдан қандай фойдалана олишига қараб кун кечиради. Бу ҳақиқатни тўғри тушунтирмаслик болаларни алдашдан бошқа нарса эмас. Улар мурғакликданоқ ўз ота-оналари, ўз оилалари мисолида меҳнат ва моддий манфаатдорлик нима эканини кўриши лозим. Шу маънода ўқувчиларга бир хил либос кийгизиш эмас, уларга инсонийликдан, этика ва эстетикадан сабоқ бериш керакки, инсонинг қадр-қиммати кийинишга кўра белгиланмаслигини яхши англасинлар.

Яна бир гуруҳ мактабни миллийлаштириш деганда ўғил-қизларнинг алоҳида ўқишини тушунади. Умуман олганда, бу фикрда жон бор. Тошкентдаги 274-мактабда 1994 ўқув йили бошида иқтидорли ўқувчилардан иборат иккита шундай синф ташкил этилди. Адабиёт фанига ихтисослашган қизлар синфига ҳам, математика чуқур ўргатиладиган ўғил болалар синфига ҳам тил ва адабиётдан дарс берувчи тажрибали, олий тоифадаги муаллима, халқ маорифи аълочиси Маҳмуда Валиева шундай дейди:

— Ўзлаштиришда қувончли натижаларга эришдик. Барчаси «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар бўлгани учун фан сирларини чуқур ўрганмоқдалар. Лекин... танаффус бўлди дегунча икки синф бир-бирига қараб югуради. Ўғил болалар синфда қизлар бўлишини хоҳлайди. Синф ҳам файзсиз. Оилада аёлнинг йўқлиги қандай билинса, синфда қизларнинг ўрни ҳам шундай билинади. Стол-стулдаги чанг артилмайди, ҳатто гуллар қуриб қолади. Бу ўқувчиларда гўзалликни ҳис этиш, нафосат тарбияси етишмаяпти. Қизлар синфида эса маҳмадоналик, чақма-чақарлик авж олган. Синфда ўғил болалар бўлса, улар бироз уялишармиди? Барибир, эркак кишининг салобати аёлни босиб туради. Қизлар ўғил болалардан ота ёки акаларидан ҳайиққандек ийманишади... Қизлар баъзан шундай баланд овозда, ҳеч нарсадан тортинмасдан баҳслашиб кетадики, ҳайрон қоласан киши. Менинг кузатишимча, ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитиш унчалик тўғри эмас.

Шу ўринда савол туғилади: уйида, бошланғич синфларда бирга ўқиган, бошданоқ шунга ўрганган ўғил-қизларни алоҳида ажратиш тўғримиди? Улар дарсдан сўнг кўча-кўйда, умуман ҳамма ерда бемалол бирга бўлишлари мумкин-ку. Оддий мисол, эркак-аёл автобусларда бирга юрса, дўконларда бирга навбатда турса, бирга меҳнат қилса, олий ўқув юртларида бирга ўқиса — мактабдан ташқари барча институтларда эркак билан аёл бирга бўладиган жамиятда, шу жамиятда яшаш учун етишиб келаётган ёшларни қарама-қарши жинсдан сунъий равишда узоқлаштириш ўсмир руҳиятига тескари таъсир қилмайдими? Боз устига, дастлаб бирга ўқиб юрган ўсмирларни бирдан бир-биридан ажратиш... Биз Тошкентдаги мактаблардан бирида бу ҳақда қизлардан сўрадик. Улар ҳар хил: ҳатто бир-бирини рад этадиган фикрлар билдиришди. Ўн икки, ўн уч ёшли қизларнинг мулоҳазалари баҳсли десак-да, барибир иккита фикрни таъкидламасдан ўтолмаймиз: «Ўғил бола ҳимоя қила олади», «Ўғил болаларнинг ёнида аъло ўқигинг, чиройли кийингинг, яхши кўрингинг келади». Эҳтимол, уларнинг бу гаплари андак китобийроқдир. Ҳар ҳолда, бу фикрларда ҳамма замон, ҳамма маконда аёл зотининг ҳамма ёшига хос бўлган буюк фалсафа, оддий аммо ҳаётий ҳақиқат мавжуд.

Бизнинг қатъий фикримиз: европача базисга шарқона устқурмани ўрнатиб бўлмайди. Агар ўғил-қизлар алоҳида ўқитиладиган бўлса, бундай тарбия боғчалардан, оилалардан... бошланиши керак. Ахир, дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил, деб бежиз айтишмаган. Таълим тарбияни миллийлаштиришнинг бу жиҳати боғчалардан бошлангандагина ижобий натижа бериши мумкин. Бунда қадим Шарқнинг диний ва дунёвий таълим-тарбияси тажрибасини четлаб ўтиш мумкин эмас. Ахир, муслим ва муслималар алоҳида таълим оладиган мактаблар Шарқда Уйғониш даври — Ренесансга шароит яратиб берди-ку.

Чамаси, таълим-тарбия тизимидаги мавжуд шаклдан мутлақо бошқа шаклга оммавий равишда ўтишга ҳали тайёр эмасмиз. Мақсад: миллий мактаб эмас, таълим-тарбияни миллийлаштирайлик, деб қўйилиши керак. Кузатишлар бугун ёшларимизга миллий тарбия ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарурлигини кўрсатади.

Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА жавоб берадилар

«ҚУЛФ ОСИЛГАН ДАРГОҲЛАР, ҚАНТАРИЛГАН ДАСТГОҲЛАР»

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ислоҳот талаби даражасида ташкил этиш, бу соҳада туб бурилишга эришиш бирваракайига бир неча муаммони ҳал этиш имконини беради: аҳолининг ҳожати чиқади, қўшимча иш ўринлари вужудга келади, пулли хизмат туфайли бюджет тушумига барака киради. Газетанинг шу йил 18 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали йўқламада шундай фикр юритилиб, бу борада аҳвол мамлакатимизнинг турли минтақаларида қандай эканлиги баён этилганди. Мақола юзасидан «Ўзмаишийхизматуюшма» раиси М. МИРЖАЛОВдан жавоб хати олинди.

— Танқидий мақола «Узмаишийхизматуюшма»нинг кенгайтирилган кенгаши мажлисида муҳокама қилинди.

Унда келтирилган аҳолига маиший хизмат кўрсатишдаги Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги камчиликлар тўғри ва ҳаққоний деб топилди. Ушбу масала бўйича махсус қабул қилинган қарорда ҳудудий уюшмалар раҳбарлари Т. Матқулова, А. Исҳоқов, В. Ан ҳамда М. Бўриевлар эътибори камчиликларга қаратилди ва уларни тез орада бартараф қилиш чора-тадбирларини белгилаш топширилди. Шохобчаларнинг бир маромда ишлаш тартибига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатишни таъминлаш, хом ашё материалларини етказиб беришга қаратилган амалий тадбирларни кўриш айтиб ўтилди.

Республикадаги барча ҳудудий уюшмаларда ушбу мақола кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида камчиликларни бартараф қилиш чоралари белгиланди.

Ўтган йили 12 октябрда республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарори юқоридаги масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Қарорни бажара бориб ҳозир барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳудудий уюшмалари қайта ташкил қилинди. Туман ва шаҳарларда эса тадбиркорлар ассоциациялари ташкил этилди. Шунингдек, соҳа раҳбар ходимлари аттестацияси якунланди. Аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи ишчи ва ходимлар касб даражаларини белгилаш, шохобчаларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар бериш ишлари якунига етказилди. Бу эса ўз навбатида маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, унинг даражаси ва маданиятини ошириш имконини беради.

«Ўзмаишийхизматуюшма» яна шуни маълум қиладики, республиканинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган дастурларини қабул қилиш якунига етказилди.

Асосий эътибор республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари ҳамда Олий Мажлис сессияларида сўзлаган нутқларида келтирилган соҳадаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган. Шундай дастурлар ҳар бир туман, шаҳар бўйича ҳам қабул қилинган. Фақат жорий йилнинг ўзида 1100 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиши мўлжалланган. Бу ўз навбатида 6000 янги ишчи ўрин барпо этилишини таъминлайди. Ташкил этиладиган шохобчаларнинг аксари қисми қишлоқ жойларда бўлиб, барпо этиладиган 4720 ишчи ўрин беш мингдан ортиқ кишини қишлоқ хўжалигидан хизмат соҳасига жалб қилиш имконини беради. Ишчи ўринлари учун кадрлар республика ўқув-курс комбинатида, вилоятлардаги унинг бўлимларида ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрланади.

Маълумки, ҳозир кийимларни кимёвий усулда тозалаш учун хом ашё — перхлорэтилен четдан келтирилади. Уни сотиб олиб келишда баъзи қийинчиликларга дуч келинаётгани эътиборга олиниб, ҳозир «Узмаишийтехлойиҳа» институти республикадаги бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ушбу хом ашёни бошқа хом ашёга алмаштириш устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу иш 1997 йилда якунланиши кутилмоқда.

Юқоридаги ишларнинг амалга оширилишида «Узмаишийхизматуюшма» ўз амалий ёрдамини беради.

ХАЛҚАРО ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҲАЁТ

ТЎҚНАШУВ ОҚИБАТЛАРИ

• **Дакка.** Бангладешнинг Читагонг шаҳрида сиёсий мухолифат тарафдорлари билан полиция ўртасида қаттиқ тўқнашув бўлди. Натижада 30 киши оғир яраланди.

Бангладеш ҳукумати билан мухолиф кучлар ўртасида вужудга келаётган зиддият ана шундай аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Ўзаро тўқнашувларнинг мамлакат миқёсида кенг авж олиб бораётгани халқаро ҳамжамиятни ҳам ташвишга солаётир. Ачинарлиси шундаки, ушбу можароларда ўнлаб одамларнинг қони тўкиляпти.

Баъзи халқаро кузатувчиларнинг фикрича, зудлик билан бу хил хунрезликларнинг олди олинмаса, тез кунларда мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетиши ҳеч гап эмас.

САЙЁҲЛИК ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

• **Жакарта. Халқаро сайёҳлик Индонезия иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланмоқда.**

Ўтган йили мамлакатга тўрт миллионга яқин сайёҳ ташриф буюрди. Энг қизиғи шундаки, уларнинг ярмини мўъжазгина давлат сингапурлик сайёҳлар ташкил этди.

АҚШ ИҚТИСОДИЙ ҚАРОҚЧИЛИККА ҚАРШИ

• **Вашингтон.** Оқ уй маъмурияти Хитой Халқ Республикасига нисбатан иқтисодий жазо чораларини жорий этиш тўғрисида ушбу мамлакат ҳукуматини огоҳлантирди.

АҚШ ҳукуматининг бундай қарорга келишига сабаб, ХХР кейинги пайтларда савдо-сотиқ тўғрисидаги икки томонлама битим шартларини қўпол равишда бузмоқда. Чунки, Хитойда чет эл фирмалари белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқариш янада кучайиб кетди. Бундай «қароқчилик» эса ХХР ҳукумати томонидан назорат қилинмаяпти.

ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҚУРБОНЛАРИ

• **Коломбо. Шри-Ланканинг марказий банки биносида кучли портлаш юз берди. Мамлакатдаги «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» (Тоти) экстремистлар гуруҳи томонидан амалга оширилган мазкур қўпорувчилик ҳаракати туфайли 86 киши ҳалок бўлди, 1300 нафар одам яраланди.**

Маълумотларга кўра, яраланганларнинг 300 нафардан кўпроғи оғир аҳволда.

Қутқарув гуруҳининг хабар беришича, қурбонлар сони яна ортиши мумкин. Чунки, қуланган иморат деворлари остидан ҳамон чалажон одамлар ва жасадлар топилмоқда.

КУН ТАРТИБИДА — ОБИ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

• **Истанбул.** Туркия Евфрат дарёсида янги тўғон қуришга чоғланаётгани сабабли Сурия БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилди. Мурожаатда Туркиянинг ушбу режаси амалга ошса Сурия ва Ироққа оқиб келаётган Евфрат дарёсининг суви камайиб кетади. Туркия ҳудуди орқали ўтаётган ушбу дарё Сурия ва Ироқ учун ҳаётий зарур сув манбаидир. Шу сабабли, келаси шанба куни Дамашқда Сурия ва Ироқ вакиллари учрашиб, Евфрат дарёсининг сувини баҳам кўришда аниқ чоралар излаш масаласини муҳокама этадиган бўлди.

МИТИНГ ДАВОМ ЭТАЁТИР

• **Грозний. Бу ерда Россия ҳукумати сиёсатига қарши кўп минг кишилик митинг икки кундан буён давом этаётган бўлса-да, Чеченистондаги аҳвол ҳозирча кескинлашгани йўқ. Митинг бўлаётган жой федерал кучлар назорати остида турибди, деди федерал кучлар қароргоҳи бошлиғи генерал-майор В. Власенков. Унинг таъкидлашича, митинг иштирокчилари 10 минг нафарга яқиндир.**

СУРИЯНИНГ ТАЛАБИ

• **Дамашқ.** Исроил илгари сураётган шартлар Сурия учун мақбул эмас, чунки ушбу шартлар тинчлик жараёни тамойилларига ва АҚШ ташаббусига зиддир, деб баёнот берди Дамашқда суриялик юқори мансабли шахс. Ушбу баёнот АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг Яқин Шарққа сафари арафасида Сурия газеталарида эълон қилинди. Баёнотда Сурия тинчлик музокараларида воситачилик қилаётган АҚШни Исроилга янада фаолроқ таъсир ўтказишга чақирган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• **ГРУЗИЯ Президенти Эдуард Шеварнадзе мамлакат радиоси орқали Абхазия раҳбариятига мурожаат этиб, мавжуд можарони тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Э. Шеварднадзе Абхазияни ўз Констутицияси, парламенти, Олий суди, мадҳияси туғроси ва бошқа давлатчилик атрибутларига эга бўлишини, айни пайтда эса у Грузия давлатининг бир бўлаги сифатида қолажагини қайд этди.**

• **РИМ папаси Иоанн Павел II Гватемалага ташриф буюрди. У бир ҳафта мобайнида Лотин Америкасининг Никарагуа, Сальвадор, Венесуэла каби бир неча мамлакатлари бўйлаб сафар қилади.**

• **ЯПОНИЯДАГИ Хоккайдо оролининг шимолий ҳудудида 70 сантиметр қалинликда қор ёғди. Маҳаллий аэропорт бир неча соатга ёпиб қўйилди, кўплаб мактабларда ўқув машғулотлари тўхтатилди, ўн иккита йўналиш бўйича поезд қатновлари вақтинча бекор қилинди.**

МАНГУ ЙИГИТ БЎЛИБ ҚОЛГАНЛАР

«ХОТИРА» китобларини ўқиб...

Дунёдаги энг улуғ байрам тинчлик ва адолат тантанасидир. Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан тугаганига ярим асрдан ошди. Уруш — қурбонсиз, ғалаба — жароҳатсиз бўлмайди. Бу табиий...

1994 йилнинг 16 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ўзбекистонликларнинг уруш йилларидаги жасоратларини абадийлаштириш ҳамда қурбон бўлганлар хотирасига бағишлаб «Хотира» китобларини чоп этиш учун етарли миқдорда маблағ ажратилди ва барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Не бахтки, урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 400 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчиларнинг азиз исми-шарифлари зикр этилган «Хотира» китоблари Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида халқимиз қўлига — собиқ жангчиларнинг хонадонларига бепул етказиб берилганлиги айни муддао бўлди.

«Хотира» китобларини нашр эттириш бўйича тузилган бирлашган таҳририят ҳайъати раиси, флот адмирали А. Сорокин ўтган йилнинг ноябрида Республика уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгашига йўллаган мактубида бу китобнинг Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонимизда чоп этилганлигига ғоят катта баҳо берганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари тилларда достон бўлган. Жангчи юртдошларимизнинг ўлмас жасорати, шак-шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари, истиқлолимизнинг шавкатли ҳимоячилари қилиб тарбиялашда улуғ мактаб, ватанпарварликнинг ҳақиқий намунаси бўлғусидир.

Ислом КАРИМОВ.

ТАСКИН ВА БАРДОШ КИТОБИ

Одатда, китоблар аста-секинлик билан — хотиржам пайтларда ўқилади. Лекин биз бугун тилга олаётган китобга бамайлихотир кўз югуртирмоқ мутлақо мумкин эмас. Уни қўлга олган инсон китоб саҳифаларини жони бўғзига қадалгандек шоша-пиша варақлайди ва яшин тезлигида сон-саноқсиз бир хил фамилиялар орасидан шаҳид кетган марҳум ота-боболарининг азиз номларини қидиради. Топгач эса... Ноёб хазинани кашф қилгандек ўша муборак саҳифани кўзларига суртади, кўксига босади.

Ўтган йили халқимиз фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини чексиз эҳтиром ва ҳаяжон билан нишонлади. Бу қутлуғ сана арафасида ҳар бири 10 000 нусхадан 32 жилдлик «ХОТИРА» китоблари ва битта якунловчи «ХОТИРА КИТОБИ» босмадан чиқдики, бу ғайриоддий китобларда Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган — қирчиллама ёшида қирчинидан қийилган 400 000 дан зиёд Ўзбекистон фарзандларининг табаррук номлари зикр этилган. Аслида қанча кўз ёш, қанча ҳасрат, қанча армонларнинг мажмуи бўлган бу номларнинг ҳар бири — бир китоб, бир тарихдир. Садоқат, сабру қаноат деган қутлуғ тушунчалар сингари юрт учун, халқ учун, эртанги кун учун жонидан кечган улуғ инсонларнинг азиз хотиралари ҳам мангуликка дахлдордир.

Биласизки, табиатдаги жамики тирик жон ўзини ёмонликдан, ёвузликдан, хўрликдан ҳимоя қилгиси, энг қулай ва бехатар манзилларга ошиён қургиси келади. Лекин, бахтга қарши, уларнинг ҳаммаси ҳам хотирлаш қудратига эга эмас. Назаримда, инсоннинг инсонлигини таъминлаб тургувчи ягона омил унинг руҳида, вужудида ХОТИРА деб аталмиш буюк неъматнинг мавжудлигидир.

Биз бахтли кунларда хушнуд кезларимизни эслашга одатланиб қолганмиз. Нохуш воқеалар эса кўнглимиз маъюсликка мойил бўлиб қолган дамлардагина ёдга тушади.

Йўқ, биз бугун аччиқ қисматларни ёдга олиб, азадор, ярадор кўнгилларни тирнамоқчи эмасмиз. Зотан, ўз халқининг фожиалари билан «мақтаниш» ҳам эзгулик аломати эмас.

Нима бўлганда ҳам битта ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: **чиндан ҳам ўтган қора кунларни эслаш оғир...** Лекин уларни унутмоқ, тарихдан юз ўгирмоқ эса ЖИНОЯТДИР.

Баъзида йиғлаётган кишини кулгу билан эмас — кўз ёш билан овутиш осонроқ кечади. Зеро, армон тоғларига кўз ёш сиёҳлари ва кўнгил доғлари билан битилган «ХОТИРА» КИТОБИ БАРДОШ ВА ТАСКИН КИТОБИ сифатида Ер юзидаги барча эрксевар халқларга ибрат бўлса, ажаб эмас...

Ўшанда ҳам шу Ер, шу Осмон эди.
Эллик йил ва яна ундан ҳам олдин.
Қуёш чарақлаган кунларда кўрдим—
Дилларга сачраган қонларнинг доғин.
Бугун қувончидан қолди михланиб
Мангу йигит бўлиб қотган ҳайкаллар.
Қизчаси ўтса ҳам элликни ҳатлаб
«Дадамни кўрмадим» дея ўксинар.

Қутлуғ майдонларда ватандош қабри —
Қаҳратон қишда ҳам гулга кўмилар.
Номаълум аскарнинг битмасми сабри —
Минглаб оналарнинг оҳини тинглар...
Бу аччиқ қисматни кузатар осмон,
Унинг ҳам кўзлари ёшланар, оғрир.
Йиғлаб кўнгилларни бўшатмоқ осон,
Кўз ёшни дард билан ютмоқлик оғир...

ЭНГ СЎНГГИ ЙЎҚОТИШ

Очиғини айтсам, автобусда ё кўча-кўйда иккита одам салгина

ғижиллашиб қолса ёки кимдир менга овозини жиндек баландратиброқ даҳдаға қилса, юрагим қинидан чиқиб кетай дейди. Табиийки, қонни кўрганда ҳар қандай киши даҳшатга тушади. Баъзида, ҳатто, ўз фарзандларимизнинг тўполонларига ҳам тоқат қилолмай қочишга жой излаб қоламиз.

Энди бутун-бутун халқларнинг бир-бирларига астойдил таҳдид қилишларию, миллион-миллион одамларни жазавага солган аёвсиз жанггоҳларни тасаввур қилиб кўринг! Қанчалар мудҳиш манзара...

Иккинчи жаҳон урушида ўттиз миллионга яқин навқирон аскарлар жувонмарг бўлган. Бу машъум рақамда 400 000 дан зиёд ўзбекистонликнинг муҳри бор. Рўйхатларга кирмай қолганларнинг ҳисоби эса ёлғиз Яратганнинг ўзигагина аён...

Хоразм вилоятига бағишланган биринчи «ХОТИРА» китобини варақлайман: фақат Урганч шаҳри ва Урганч туманининг ўзидан урушга сафарбар қилинган 85 нафар марҳум АБДУЛЛАЕВ фамилияли ўнлаб Йўлдош ва Жуманиёзларга, Машариф ва Матёқубларга кўзим тушади. Наҳотки, бир ерлик шунча кўп фамилиядош!.. Титрай-титрай кейинги саҳифаларга кўз югуртираман: 94 нафар БОБОЖОНОВ фамилияли йигитларнинг бир-биридан чиройли исмлари... Рўйхатларнинг давомини ўқишга мажолим етмайди. Астагина китобни ёпаман, гўё озгина қалтис ҳаракат қилсам, бу қутлуғ битикларга озор етадигандек.

Сир эмас, Иккинчи жаҳон уруши 37-йилларнинг даҳшатлари тарқамаган, элнинг асл ўғлонларига отилган туҳмат тошларидан ўт чақнаётган, марҳумларнинг руҳи чирқираб турган бир пайтда бошланган.

Уруш тасодиф эмас. Унинг катта-кичиги ҳам бўлмайди. Эҳтимол, бу уруш тинч замонда қилинган мудҳиш гуноҳларнинг, жиноятларнинг касофати туфайли юз бергандир. Йўқса, шаҳид кетган ЎТТИЗ МИЛЛИОНга яқин бегуноҳ инсонларнинг жигар қонлари дунёни чўктириб юбормасмиди!

Бир нарсани чуқур ҳурмат билан таъкидлаш керакки, одамлар бу урушни қандайдир майда манфаатлар учун эмас, ИНСОН деган ягона ва буюк ҲАҚИҚАТнинг омонлиги, киндик қонлари тўкилган тупроқнинг софлиги учун олиб борилаётган муқаддас кураш деб билганлар. Балки халқимизнинг азбаройи холислиги, ниятининг улуғлиги туфайли бу мудҳиш қирғин-баротларнинг охири бахайр бўлгандир. Зотан, ғалаба адолатли урушларгагина хосдир.

Кўзлардан қувилган уйқулар тунда
Айланиб юради, замин йиғламас.
Қуёш чарақлаган бахтиёр кунда
Бувижон, йиғламанг, юртим — бевамас.

Сонсиз фарзандларга отадир бобом —
Олис ўлкаларда унинг ҳам қабри.
Ғалаба кунида бўлганмиш қурбон —
Оғир-да энг сўнгги йўқотиш дарди...

Тоғлар ҳайқиради, балки шунинг-чун
Ҳали ҳам унади, гуллар кўксида.
Осмондан ёғилиб қоп-қора қуюн,
Қон ютиб кечирган тунлар эсида.
Шунда ҳам меҳрини гулларга тутди,
Кўнглимиз тоғлардан озор топмаган.
Демак, тош бўлса ҳам тоғлар вужуди —
Унинг кўксидаги юрак қотмаган.
Янгроқ қўшиқларим тугамас ҳали,
Машъум хотирага қўймасман ҳайкал.
Бугун ҳам ЎЗБЕКнинг мард генерали
Қўёшни кўради ҳаммадан аввал...

Тошкент шаҳрининг Қорақамиш даҳасида Собир РАҲИМОВ майдони бор. Бу майдондаги қуёшга тик боқиб турган биринчи ўзбек генералининг рамзий ҳайкалига кўзингиз тушса, ифтихор туйғусидан беихтиёр руҳингизда, вужудингизда енгиллик, эркинлик пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, анчадан бери «уруш-уруш» ўйнаётган болаларни учратмай қўйдим. Минг шукр, шу митти болакайларимиз ҳам ўйиндан ўт чиқиши мумкинлигини пайқашибди. Илло, катталарнинг ҳам, кичкинтойларнинг ҳам жанжаллардан, тўполонлардан, урушлардан безганлари рост бўлсин!

БЕҒУБОР ОСМОН ҚАДРИ

Эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳаттоки, ўлим билан ҳаётнинг ораси ҳам бор-йўғи бир қадам, бир нафаслик йўл, холос. Бу — тириклик қонунияти. Агар биз ҳушёр бўлмай, ўша мувозанатни бой бериб қўйсак фожиа юз бериши муқаррар. Балки ўша бир соniялик йўл, бир лаҳзалик мувозанат ТИНЧЛИК деган қутлуғ тушунчанинг муҳим бир шарти, муҳим бир қиррасидир.

Инсон ҳур бўлиб туғилади. Демак, озод ва бахтиёр яшашга ҳамма бирдек ҳақлидир.

Дугоналаримдан бири: «Касал бўлган чоғларимда ҳар сафар тузалиб кетсам-ҳаётдан бошқа нолимайман, ўйнаб-кулиб яшайман деб, ўзимга ўзим сўз бераману уддасидан чиқолмайман. Оёққа туриб кетгач, яна нимадандир ёки кимдандир норози бўламан. Менга нималардир етишмаётгандек туюлаверади. Нима қилай, шу камчилигимни ҳеч йўқотолмаяпман!» деб шикоят қилиб қолди.

Ҳақ гап. Лекин бу қусур ёлғиз ўша дугонамгагина эмас, балки бизнинг ҳар биримизга, ҳатто, бутун бир инсониятга хос кўргиликдир. Ҳомиладор аёллар кўпинча рўзғорда йўқ нарсаларга бошқоронғу бўлганларидек, баъзан биз ҳам самовий ҳодисаларга мафтун бўлиб, оёғимиз остидаги қўркам майсазорни кўрмай топтаб қўямиз. Бизга ҳамиша бой берилган ёки қўл етмас нарсалар гўзал бўлиб кўринади. Бинобарин, ҳар тонг кўзимиз тушадиган манзарадан завқ олмоқ, кечалари туннинг, кундузлари куннинг қадрига ета билмоқ ҳам барчага насиб этавермайдиган САОДАТДИР.

Биласизки, ВЬЕТНАМ халқи ўн йилликлар мобайнида уруш таҳликасидан халос бўлолмай ваҳимада яшади. Узлуксиз ўқ ва бомба товушларидан одамлар тугул қушлар ҳам безор бўлиб деярли сайрамай қўйган экан. Ширин хаёл суриш ёки эртак эшитиш учун ҳам имкон керак. Ўшанда беш ёшли қизалоқнинг онасидан: «Онажон, мени осмони йўқ жойларга олиб кетинг?» деб илтимос қилганлиги тўғрисида ёзишган эди. Воажаб, одам боласи осмонни кўришни истамай қолса-я! Демак тинчликнинг қадри осмондан ҳам улуғ, осмондан ҳам устунроқ экан-да! Ёхуд осмон тинч, беғубор бўлсагина ОСМОНДИР.

Осуда кунларда ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИга етолган инсонгина комил ИНСОНДИР.

Гарчи ҳар кунимиз байрамдир бизга,
Тарих китобимни қўлдан қўймайман.
Бардошлар тилайман, онажон, сизга,
Жаҳон тақдирини мен ҳам ўйлайман.
Оппоқ қушларимга отмасинлар тош,
Гўдаклар нон излаб ҳеч йиғламасин.
Дунёни баробар ёритсин қуёш,
Бир бутун ватанга айлансин замин.
Мозорлар кетмокда гулзорга ўхшаб,
Тупроқ тортмасинлар дил ярасига.
Қизларим бир умр бахтиёр яшаб —
Қўшиқ куйлаб берсин набирасига.

ЁДГОРЛИК

«Мен хизмат қилаётган қисм жангчилари ҳужум пайтлари жуда кўп ботирлик ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Шулар ҳақида ёзиб юборяпман.

Бизда Ҳожи БОБОЕВ деган пулемётчи (фарғоналик) йигит бор эди. У душман билан тўла бўлган қишлоққа босиб кириб, бир уйга пистирма қуриб олиб, шу ерда туриб 300 фашистни ўлдирди. Немислар уни ҳеч нарса қила олмагач, у турган уйга ўт қўйдилар. У ёнаётган уйда туриб курашни давом эттирди ва уй билан бирга ёниб ҳалок бўлди, аммо душманга бош эгмади...

Мен «Даҳшатли жангларда титраган киши лаънатга кўмилсин. У — ўзбек эмас», — деган сўзларни ҳам шу йигитлардан эшитгандим...»

Жангчи шоир Аширмат ЭГАМНАЗАРОВнинг «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» газетаси редакциясига ёзган хатидан, 1943 йил 11 март.

Фашизмга қарши курашга бир ярим миллион ўзбекистонлик сафарбар қилинган эди. Бу урушдан бир миллиондан ортиқроқ Ватан фарзандлари юртга қайтдилар. Қайтмаганлари — 400 000... 84 000 жангчи эса бедарак йўқолган. Бедарак йўқолиш эса ўлимдан ҳам оғирроқ ҳалокатдир. Чунки унинг қабри бўлмайди. Эллик йил кутиш, эллик йил умид билан яшаш... Бу айтишга осон. «ХОТИРА» китобининг яна бир қиммати шундаки, бу китоблар миллион-миллион нигорон кўзларга ҳаловат берди. Йўқолган оталарнинг, ака-укаларнинг, ёстиқдошларнинг охиратидан хабардор қилиб минг-минглаб жабрдийда одамларни бедараклик азобидан халос этди.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг ўзидан 2362 жангчи фронтдан қайтмаган... Очил ҚОДИРОВ, Қучқор ТУРДИЕВ, Шодмон УМАРОВ, Мамадали ТОПИБОЛДИЕВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ, Турғун АҲМЕДОВ ва Қудрат СУЮНОВ сингари юзлаб қаҳрамонларнинг жасоратларини биттадан достон қилиш мумкин.

«ХОТИРА» китоблари учун шахсан юртбошимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати 30 миллион сўмлик маблағ ажратди. Чоп этилган китоблар эса собиқ жангчиларнинг хонадонларига бепул ҳадя этилди. Шунча маблағ, шунча меҳнат беҳуда кетгани йўқ. У халқ ХОТИРАСИНИ УЙҒОТДИ.

Китоблар тарқатилгач, юзлаб юртдошларимиз таҳририят кенгашига мурожаат қилиб, урушда иштирок этган яқинларининг исми-шарифлари кирмай қолганлигини маълум қилдилар. Шу илтимосларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси ХОТИРА КИТОБИ таҳририят кенгаши аъзолари ўз ишини давом эттирди ва яна 30 000 ўзбекистонлик марҳум жангчиларнинг номлари қайд этилган 2 жилдлик «ХОТИРА» китобини нашрга тайёрлади.

Бу китоблар ҳам яқин кунларда халқимиз қўлига етиб боради.

«Ўз қисм хизмат дафтарига олтин ҳарфлар билан номлари ёзилган қизил армиячилар: бронебойчи Мусо ИСОМҚУЛОВ Терек яқинида қўлида гранаталар билан ўзини душман танки остига ташлаган: оддий аскар Қаюм РАҲМОНОВ ўзини ва унга ташланган гитлерчиларни граната билан портлатган: Тўйчи ЭРЙИГИТОВ Волхов фронти участкаларидан бирида душман дзоти амбразурасини ўз гавдаси билан бекитган».

Якунловчи «ХОТИРА КИТОБИ»га муҳрланган бундай битикларни кўнгилдан ўчириб бўлмайди. Ватан, халқ, озодлик, садоқат деган туйғулар шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас, балки яшаш учун энг зарур бўлган ҳаводай, сувдай, нондай яқин ва азиз тушунчалар эканлигига имон келтиргинг келади.

Дарвоқе, биз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари фозилу уламоларимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Айни пайтда бир қарич тупроқ учун кўксини қалқон қилган, ҳали она дийдорига, Ватан меҳрига, халқ меҳрига тўймай туриб — ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган юртдошларимизнинг жасоратлари ҳам ҳеч бир кашфиётдан кам эмас. Эҳтимол, уларни ҳар куни эслаш ва алқаш учун имкон топилмас. Бироқ, денгиз тубидаги дуру гавҳарлар каби қаҳрамон оталаримизнинг азиз хотиралари юрагимизнинг энг теран нуқталаридан жой олганлиги аниқ.

Кутиб яшаяпмиз эртанги кунни,
Етаклаб юрибди бизни хаёллар.
Ҳеч бир жон инсондек севолмас юртин,
Қувончдан йиғласин фақат аёллар.
Ўтган кунимизга тош отиб кўрдик,
Бусиз ҳам улуснинг юраги чўғдир.
Бугуннинг кўзига қарашдан қўрқдик,
Қондан қўрқмаганнинг миллати йўқдир.
Имон талашайлик ер талашгунча,
Ҳаммамиз дунёга меҳмонмиз ахир.
Офтоб кичраярмиш эл ярашгунча,
Туркистон юртининг елкаси яғир.
Ёш чиқазмай қўйган кўзлар ҳақида
Ҳали ёзилмаган менинг достоним.
Қуёшни чорлагай қора қўланка,
Бошинг тошдан бўлсин ЎЗБЕКИСТОНИМ.

Қисқа қилиб айтиш мумкинки, катта меҳнат ва тайёргарлик меваси бўлган «ХОТИРА» китоблари миллион-миллион безовта кўнгилларда таскин шамчироғини ёқди. Бу китоб осонликча дунёга келган эмас. Наинки, ҳар бир сатр, балки, ҳар бир исм, ҳар бир фамилия, ҳар бир йил, ҳар бир ойу ҳар бир кунни, қўйингки, ҳар бир ҳарф ва ҳар бир рақамни катта масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан қайд этган, назардан ўтказган Ўзбекистон Республикаси Хотира китоби таҳририят кенгаши аъзолари Бектош РАҲИМОВ, Рустам ШОҒУЛОМОВ, Рустам АҲМЕДОВ, Абдурашид МАЖИДОВ, Пулат НИҒМАТОВ, Собиржон ОХУНЖОНОВ, Нурислом ТУҲЛИЕВ, Баҳодир УМРЗОҚОВ, Даврон ШОРАҲМЕДОВларнинг меҳнатини, муаллифлар, муарриҳлар, ноширлар, босмахона ходимлари ва жамоатчилик вакилларининг хизматини сўз билан ифодалаш мушкул. Улар учун энг одил ва холис баҳони бундан беш аср илгари буюк бобомиз ҳазрат Низомиддин Мир Алишер НАВОИЙ айтиб кетганлар:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Шак-шубҳа йўқки, халқимиз «ХОТИРА» китобларини қора кунларимиздан бир ёдгорлик — ибрат намунаси сифатида асрайди ва келгуси авлодларга етказади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

РУҲЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИМ

Юртдошларимиздан 400 минг аскар фронтдан қайтмади: жангда ҳалок бўлди, бедарак йўқолди. «Хотира» китоб»лари — урушда шаҳид бўлган аскарларимиз номини абадийлаштиришга бевосита хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир. Жуда катта меҳнат ва машаққатли изланишлар натижасида бунёд этилган бу маънавий обидани Ватан учун жон фидо қилган жангчиларимиз хотирасига ўрнатилган муқаддас ҳайкал дейиш мумкин. Бу маълумотлар қанчалик нохуш ва қайғули бўлмасин, барибир, уларни билмоққа шаҳид жангчиларнинг ота-оналари, оғаинилари, опа-сингиллари, ёру-биродарлари, уруғ-аймоқлари, ҳамюртлари ярим асрдан бери муштоқ ва интизор эдилар.

Мен ҳам тоғаларим — Икром, Исмоил, Рўзи, Қилич Маҳсумовлар, амакиларим — Ғаффор, Нажмиддин ва акам Қамбар Мирзаевларнинг уруш йилларидаги фаолияти ва ж[illegible] ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарларни ўқиб-уларнинг руҳини зиёрат қилгандек бўлдим.

Сайдулла МИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

САВОБ

Бухоро вилояти ва шаҳар ҳамда туманлар фахрийлари ташкилотлари уюшмалари кенгашларига ҳар куни юртдошларимиз келишиб, ўз жигаргўшалари ҳақида «Хотира» китобларида кенг ва батафсил маълумотлар берилганлигини айтиб, бундай катта савоб ишни амалга оширганлар шаънига раҳматлар айтишяпти.

Энг қувончлиси, Ғалабанинг ярим асрлик санаси муносабати билан уруш ортида меҳнат қилганларга ҳам мукофотлар ва қатор имтиёзлар берилганлиги халқимиз дилидаги иш бўлди.

Азим РАҲИМОВ,
Бухоро вилоят фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси.

Тиббиёт

СЎЗИ МАЛҲАМ

Самарқанддаги «Болалар жарроҳлиги» ўқув-илмий маркази вилоятдаги намунали шифо масканларидан бири саналади. Унга тиббиёт фанлари доктори, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош болалар жарроҳи, профессор Азамат Шамсиев раҳбарлик қилаётир.

Икки йилдан бўён бу ерда болалардаги туғма юрак хасталиги муваффақиятли операция қилинмоқда. Ўтган йили шифохонада чала туғилган чақалоқларни даволаш бўлими очилди. 17 та бўлимда даволаш ишлари юксак савияда йўлга қўйилган.

— Махсус буйруқ чиқарганмиз, — дейди Азамат Муҳиддинович. — Беморнинг қариндошларига дори-дармон олиб келишни буюрган врачга нисбатан қатъий чоралар қўллаймиз. Шифохонамизга четдан озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришни ҳам кескин камайтирдик. Чунки ўзимизда пиширилаётган парҳез таомлари барчага маъқул тушаётир. Ҳар бир хонага беморларни кўришга келган қариндош-уруғлари билан гаплашиш учун телефон ўрнатяпмиз.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу ҳаммаси эмас

«ХОРАЗМ»НИНГ ҲАММОМИ ҚАНИ?

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш Хоразм вилояти қишлоқларида 58 фоиз бажарилган бўлсада, ҳали ҳам 261 аҳоли яшаш жойлари сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган. Янгиариқ туманида эса бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил қилади. Ушбу туман аҳолисини табиат оқар сувдан «қисиб» қўйган бўлса, иккинчи томондан йиллаб унга раҳбар бўлган айрим мутасаддиларнинг лоқайдлиги сабабли сифатли ичимлик суви келтирилиши ҳамон пайсалга солинмоқда. Бунинг устига қиш қиличини қайраб турган айни кунларда йил 12 ой тинимсиз меҳнатда банд бўлган заҳматкаш деҳқон бир оз ҳордиқ чиқаришни, ўз маиший аҳволини яхшилашни истайди. Бироқ бунга шароит яратилганми? Афсуски, Янгиариқда бўлганимизда шу саволга ўринли жавоб топа олмадик.

Туманнинг кўпчилик хўжаликларида қишлоқ аҳлининг маиший аҳволи ўлда-жўлда қолиб кетган. Масалан, «Остона», Ш. Рашидов номли жамоа хўжаликларида аҳоли учун энг зарур маиший объект ҳисобланган ҳаммомлар ҳанузгача қурилмаган. «Оқмачит», «Хоразм» жамоа хўжаликлари томонидан бир вақтлари халқ маблағи ҳисобига бунёд этилган ихчамгина ҳаммомлар эса керак пайтида эл корига ярамай «бир кун ишласа, бир ой ёпилиб» қуруқ савлат тўкиб турибди. Айтишларича, бу ер аҳолиси ушбу ҳолатдан норизо бўлиб, мунгли хиргойи қилармиш. Шояд ушбу хиргойи тегишли мутасаддилар қулоғига етиб борса...

Савлат тўкиб турибди хўжаликнинг ҳаммоми,
Эшигига қўйишган сўлақмондай тамбани,
Бу вазият куйдириб, ачитирар ҳаммани
Раис бобо бу гапни эшитишни хушламас,
«Оқмачит»нинг ҳаммоми ишламаса-ишламас.

Чорвадору пахтакор, роса меҳнат қилишар,
Хўжаликнинг оғирин елиб, енгил қилишар.
Лекин улар ҳолига ким ачинар — қайишар?
Раис бобо бу гапни эшитишни хушламас,
«Оқ мачит»нинг ҳаммоми ишламаса-ишламас.

Эшигидан кирсангиз, ҳувиллаб турибди-я?!
Жунжикасан совуқдан, гувиллаб турибди-я,
Жўмраги йўқ, тоси йўқ, қувурлар чиribди-я,
Раис бобо бу гапни эшитишни хушламас,
«Хоразм»нинг ҳаммоми ишламаса-ишламас.

Раҳбарлар-чи бу ишга қарамас, ихлоси йўқ,
Ваъдаси кўп ва лекин аҳднинг интиҳоси йўқ,
Шундай бўлса эътибор, бу дарднинг давоси йўқ,
Мутасадди акалар балки сўзим хушламас,
Янгиариқда ҳаммомлар ишламаса-ишламас.

Воқеалар гувоҳи «Ўзбекистон овози» мухбири Курбон МУҲАММАДРИЗО.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ФОШ ЭТИЛГУНГА ҚАДАР...

Пойтахт милицияси ходимлари ўтган йил баҳорда давлат корхоналари ва фуқароларнинг шахсий транспорти воситаларини ўғирлаган бир жиноий гуруҳни қўлга олганликлари тўғрисида хабар бергандик.

Тошкент шаҳар судида ана шу 22 кишидан иборат бўлган 6 та жиноий гуруҳнинг аъзоларига ҳукм ўқилди. Мазкур уюшган қуролли тўда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1990-1994 йиллар давомида, яъни ички ишлар идоралари томонидан фош қилингунга қадар жиноий ҳаракатда бўлишган. Банда аъзолари автомобиллар ўғирлаш, босқинчилик, айрим автомашиналарни эса катта миқдордаги пул эвазига товламачилик йўли билан қайтариш каби жиноятларни содир этганлар.

Суд жиноий гуруҳ ва банда аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топди ва уларни мол-мулкларини мусодара қилиб 12 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этди.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати катта инспектори.

ТАШКИЛОТ

қуйидагиларни таклиф этади:

— кичик қувватли шакар ишлаб чиқариш заводининг асбоб-ускуналари;

— шакар чиқиндисидан спирт олиш технологияси ва асбоб-ускуналари.

Шунингдек, битмай қолган ва ишга туширилмаган шакар ишлаб чиқариш кичик заводларига маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатади.

Шакар ишлаб чиқариш заводларига ишчи-кадрларни тайёрлаб беради.

Ҳақ тўлаш — шартнома асосида, пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Нуробод шаҳри, эски ОРС базаси. Шаҳар ишлаб чиқариш корхонаси. Телефон: (8-266) коммутатор 267-99, ички телефон — 544.

Алишер НАВОИЙ

ЙЎЛҒА ТУШ, ЭМДИ РАВОНРОҚ БЎЛ...

555

Халқимиз истиқлол шарофати ила ўз динига, ўзлигига қайта бошлади. Ислом миллий маънавиятимизнинг муҳим асосларидан бирига айланди. Шунинг учун бугун Алишер Навоийнинг пайғамбаримиз — Муҳаммад алайҳи-с-салом таърифида битган шу пайтгача кам эътибор қилинган, деярли тадқиқ этилмаган махсус ғазаллари бой маърифий мулкимиз экани, у бизга жуда-жуда асқотиши аён бўлиб қолди.

Чин мусулмон сўзни Оллоҳ ва унинг сўнгги пайғамбари номини тилга олишдан бошлайди. Бу бежиз эмас. Қуръони каримнинг Шарҳ сурасида бевосита пайғамбаримизга хитоб қилиниб: **«Ва Биз сизнинг зикрингизни (**яъни мартабангизни) **баланд қилиб қўйдик»,** — дейилади. Муҳтарам Алоуддин Мансур бу оятга шундай изоҳ берадилар: «Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этиб, У зотни улуғласа, албатта, У зот билан бирга пайғамбари — Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб, у кишига саловат ва салом айтадики, бу мартабайи олия пайғамбаримиздан ўзга ҳеч кимга насиб этган эмас!.

Ана шу Оллоҳ номини тилга олиш баробарида пайғамбаримизга ҳам саловату салом йўллаш қўлига қалам ушлаган ҳар бир мусулмон муаллиф учун шарт бўлган анъана эди.

Оллоҳни мадҳ этиш — *ҳамд*, Муҳаммад пайғамбарни таърифлаш *наът* дейилади. Мусулмон халқлари адабиётларида деярли барча жиддий китоблар Оллоҳ ҳамди ва пайғамбар наъти билан бошланади. Бу қоида девон тузиш анъанасида ҳам мавжуд.

Девон, биласиз, шоирларнинг кичик, яъни лирик асарларини алифбога асосланган махсус тартиб бўйича жойлаштирадиган тўплами ҳисобланади. Ҳарфлар асосида жойлаштиришда ўша асарлар, айтайлик, ғазалларнинг қофияси, радифли бўлса — радифи қайси ҳарф билан тугаганига суянилади. Шу тариқа аввал «алиф», кейин «бе», сўнг «те» ва ҳоказо ҳарфлар билан тугаган асарлар бериб борилади.

Навоий девонларида ҳам бу қоидаларга қатъий амал қилинган. Ҳар бир ҳарф гуруҳи бошида аввал ҳамд ғазал ва кейин наът ғазал келади. Борди-ю, шу ҳарф билан тугайдиган ҳамд ғазал бўлмаса, гуруҳ бевосита наът ғазалдан бошланади. Ҳамд ғазал ҳам, наът ғазал ҳам бўлмаса, ҳарфий гуруҳ мавзуиза, яъни ваъз-насиҳат руҳидаги ғазал билан очилади.

«Хазойинул-маоний»даги тўрт девонда жами қирққа яқин наът ғазал мавжуд. Уларнинг ҳар бирида янги-янги — ўзаро ўхшаши йўқ бадиий тасвирлар яратилади. Шоир наътларида Расулуллоҳни одамзоднинг сарвари энг буюк зот сифатида таърифу тавсиф этади. Мазмунига кўра наътларни, шартли равишда,

ОЙ ЧАРОҒИ КЕЧАЛАР...

Ҳазратнинг наът ғазали хусусида сўз

иккига: *васф наътлар ва меърожнома наътлар*га ажратиш мумкин.

Васф наътларда пайғамбарнинг умумий сифатлари қаламга олинади. Бундай ғазалларда меърож кечаси пайғамбар мўъжизаларидан бири тарзида таърифлаб ўтилиши ҳам мумкин. Махсус меърожнома наътлар эса, асосан, Расулуллоҳнинг энг буюк мўъжизаларидан бири — меърож кечаси тасвирига бағишланади. Агар бир ҳарф гуруҳида ҳам васф наът ва ҳам меърожнома наът бўлса, унда шоир аввал васф наътни ва кейин меърожнома наътни жойлаштиради.

Наът ёзиш мусулмон халқлари адабиётларида ҳозир ҳам мавжуд. Ҳатто, Туркияда наътлар битиш бўйича махсус кўрик-танлов ҳам ўтказиб турилади. Биргина наът ғазалларига асосланиб айтиш мумкинки, нафақат ўзбек адабиёти, балки, умум турк сўз санъати майдонида пайғамбаримиз — Муҳаммад алайҳи-с-салом образини яратиш борасида ҳали бирон соҳиби қалам Алишер Навоий ҳазратлари эгаллаган бадиийлик чўққисига кўтарилган эмас.

«Хазойин ул-маоний»дан ўрин олган илк наът ғазални кўриб ўтайлик. Биринчи девон — «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 6-ғазали бўлиб келган бу асар:

Эй нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро, —

байти билан бошланади. Айтилмоқчики, Муҳаммад алайҳи-с-салом Одам фарзандлари орасидаги барча пайғамбарлар ичида узук, йўқ, агар олдинги набилар узук бўлса, бу ўша узукда битилган от, дейилади. Бу ерда шоир пайғамбаримиз баданларида ул зоти шарифнинг исмлари битилган муҳрхол борлигига ишора қиляпти (Бу муҳри нубувват — хол ҳақида **қаранг**: Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг мўъжизалари. Тошкент, 1993. 14-, 76-бетлар).

Иккинчи байтда эса, ҳатто, қуёш ҳам: «Эшиги тупроғига юзимни босармиканман», — деган илинж билан ҳар куни чарх қасридан олам аро тушиши айтилади:

Юз эшигинг туфроғиға сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Бу ерда бутун олам, демакки, қуёшнинг ҳам айнан Муҳаммад пайғамбар туфайли яратилганига ишора сезилиб турибди. Чунки, исломий ақидага кўра, Оллоҳ икки оламни, демакки, жамики жонзотлар, жумладан, барча одамларни айнан ана шу Муҳаммад Пайғамбарни дунёга келтириш мақсади билан бунёд этган. Шунинг учун Тангри таоло ҳаммадан бурун Муҳаммаднинг нурини яратган.

Учинчи байтда меърожга — Оллоҳ ҳузурига парвоз этганлари кечада юлдузларнинг порлаши худди чироқнинг нури шабнам томчиларига тушиб, йилтирашига қиёс қилинадики, бу мажозан юлдузларнинг яратилиши ҳам ана шу нури Муҳаммадия билан боғлиқлигини билдиргандек бўлади:

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Ҳатто, Каъбадек муқаддас макон ҳам шоир хаёлотида Муҳаммад пайғамбардан ажралгани учун мотам тутиб, ҳар ер-ҳар ерида чоки бор қора кийим кийган, яъни бу иморат устига қора матоҳ — Каъбапўш ёпилган:

Не учун киймиш қаро ҳар ён солиб жайибиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро.

Туш маҳали Маккадаги Замзам-сувида кўриниб турган қуёш акси эмас, гўё у соф кўнглида, яъни тиниқ сувида пайғамбар юзи қуёшини асраб турибди:

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Осмондаги ой ҳам ой эмас, балки, Муҳаммад боғи бошида малак қўлида тутиб турган машъал:

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Батҳо, яъни Маккадаги чўллар қумлари ҳам қум эмас, пайғамбар жамолининг ҳажрида ғам чекавериб, унинг жисми зарра-зарра бўлиб тўкилган:

Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин,
Зарра-зарра жисми бир-биридин тўкулди ғам аро.

Ясриб, яъни Мадинадаги йўлларни ҳам йўл деб ўйламанг, улар пайғамбарнинг қадами етмаганидан юзларини тирноқ билан йиртган чизиқлар:

Йўл эмас Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Ғазал сўнггида лирик қаҳрамон Навоийнинг ҳам пайғамбар теварагидаги махсус маҳзун итлари сафига киришини орзулаган бўлади:

Итларинг махсусу маҳзундур, Навоий кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

Маълумки, Навоий ҳажга борган эмас. Демак, у Арабистонни кўрмаган. Лекин, шу биргина ғазал ҳам кўрсатиб турганидек, шоир Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳаётини бутун башарият сарвари босиб ўтган йўл тарзида жуда-жуда мукаммал ўрганган. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳнинг қайси сифатларини қаламга олмасин, у ҳар гал ўзига хос, оҳорий ифода ва тимсоллар топади. Навоий наътлари замирида эса бағоят пухта исломий билим ётади.

Зиёда ҒАФФОРОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тадқиқотчиси.

Алишер НАВОИЙ

ҒАЗАЛЛАР

***

Ошиқ ўлдум билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоғ балолар бор эмиш.

Қаддиға эл майли бўлғандин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бас турфаким,
Жоним этган реш эл бағриға кирган хор эмиш.

Риштаким муҳлик ярам оғзини тикти англадим,
Ким кафан жинси қироғидин сувурған тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриғ танға тушкан соядек
Сели ғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.

Жонга таҳвиф айладим тиғи ҳалакидин анинг,
Билмадим бу ишдин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била,
Ким бировким солди кўз узмак кўнгул душвор эмиш.

***

Оҳким, номеҳрибоним азми бедод айлади,
Бир йўли меҳру вафо расмини барбод айлади.

Қўрқарам аҳли вафо оҳи анга қилғай жафо,
Бу жафоларким вафо аҳлиға бунёд айлади.

Бўлмади ношод охир гунаҳ бўлғай дебон,
Бегунаҳ аҳбобни мундоғки ношод айлади.

Бир дам ичра тунд сайли қаҳр ила қилди хароб,
Ҳар вафо қасрики, еллар они обод айлади.

Дам урарға топмади ҳар кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб ғамзасин кирпикни жаллод айлади.

Тинди абноий замоннинг ихтилофи таъбидин,
Кимки ўз таъбини бекасликка мўътод айлади.

Кўнгли мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

***

Икки кўз манзилинг, эй моҳи маҳмил,
Кўнгулга азм қил манзил-баманзил.

Кўзунг қотилдур аммо заҳр чашминг,
Эрур ўлтурмагимга заҳри қотил.

Эшикингда ёзармен оҳлар, лек,
Бўлур ҳар оҳ чексам борча зойил.

Мени Мажнун деди Лайливашим, вой,
Ки бу девонани соғинди оқил.

Кўзунг чун нимхоб эрди, не тонг, гар
Кўнгул сайдини қилди ним бисмил.

Эрур бир ҳол бирла мабдаи файз,
Сенга гар етмас ўзни айла қобил.

Навоий, ўзлукунг рафъ этким ул гард
Эрур мақсад рухсориға ҳойил.

«НАВОИЙНОМА» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзинг.

1. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг биринчи ҳикояси қаҳрамони. 2. Шоир достони асосида ёзилган Мухтор Ашрафийнинг мусиқали асари. 3. Навоий сиймосини чизиб қолдирган замондош мусаввир. 4. Навоий устоз деб билган хамсанавис шоир. 5. Ёш Алишер истеъдодига юксак баҳо берган ўзбек мумтоз шоири. 6. «Садди Искандарий» достонидаги қадимий юнон олимларидан бири. 7. Туркман халқ оғзаки ижодида Навоий сиймоси. 8. Шоирнинг ер ва мулк масалаларига оид асари. 9. «Хамса» достонлари қаҳрамонларининг суратларини моҳирона чизган Ўзбекистон халқ рассоми. 10. Алишер Навоий ҳақида маълумотлар ёзилган Лутф Алибек Озар асари. 11. «Алишер Навоий» тарихий фильми режиссёри. 12. Ойбекнинг «Навоий» романи қаҳрамонларидан бири. 13. Замонасининг етук шоири — Алишернинг тоғаларидан бири. 14. Шоирнинг муаммо шеъриятининг хусусиятлари ва қоидалари ёритилган асари. 15. Фарҳод сиймосини саҳнада маҳорат билан гавдалантирган артист. 16. Алишер Навоий портрети муаллифларидан бири. 17. Навоий замондоши, қасиданавис шоир ва тарихчи. 18. «Хамса» даги достонлардан бирининг бош қаҳрамони. 19. Алишер Навоийнинг Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳадислари асосидаги асари. 20. Турли кишиларга наср ва назмда ёзилган мактублар тўплами. 21. Шоир Марв шаҳрида ўз ҳисобидан қурдирган мадраса. 22. Алишер Навоий ҳақида ўзининг «Бадойи-ул-вақое» («Гўзал воқеалар») асарида таъриф келтирган замондош адиб.

Энди жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни (биринчиси жавоблар, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб, топшириқни ҳал этинг. Бунда мутафаккир шоир ҳақидаги шеърий асар номи аён бўлади. Мазкур асар муаллифини биласизми?

МУАММОНОМА. 1. Аввал қуйидаги ижодкорларнинг Алишер Навоийга берган таърифларида яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Мунис Хоразмий:

«Сўз 8, 22, 7, 5 Навоийки жаҳонгир турур,
Мунисга моний йўлида 24, 8, 7 турур».

2. Муҳаммадризо Огаҳий:

«Огаҳий» ким топгай 11, 7, 2, 8 сози назмингдин наво.
Баҳра гар 18, 14, 19, 15, 25, 7 Навоийнинг навосидан саго».

3. Озарбайжон мумтоз шоири Фузулий:

«Турку Ажаму Арабда айём,
Ҳар шоира вермишди бир ком
Ўлмишди Навоийни сухандон,
Манзура шаҳаншоҳи 26, 25, 7, 6, 20, 6, 3.

4. XVI аср шоири Кишварий:

«Навоий ҳикматидан Кишварий аҳли 3, 5, 12, 7 бўлди»

5. Қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ:

«Навоийдан 20, 5, 21, 6, 2 оч-тим,
Фузулийдан дурлар сочтим».

6. Ғафур Ғуломнинг «Алишер Навоий қабри устида» ғазалидан:

«Дилим равшанлигин ҳиссини йўлида офтоб айлаб,
Мозоринг бошида турмоқдадурман сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбда хитоб айлаб, Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибмен 8, 3, 15, 23, 6, 4 айлаб».

7. Абдулла Ориповнинг «Алишер Навоий» шеъридан:

«Бойқаро ирғишлаб истак отида
Жаҳонга боққанда мисли бола шер, —
Ҳирот дарвозасин бир қанотида 10, 16, 13, 7, 8, 18 лашкарини тизган Алишер»

8. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасидан:

«Мир Алишер наърасига
Акс садо берди жаҳон,
Шеърият 9, 25, 17, 1, 8, 2, 5. бўлди
Шоҳу султон ўзбегим».



Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан Алишер Навоий ҳақидаги ибратли сўзлар, келтирилган нодир асар номи ва унинг муаллифи бўлган мумтоз шоир аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Спорт

КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

• Полвонларимиз спортнинг юнон-рум тури бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этдилар.

Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган мусобақада самарқандлик Григорий Пуляев фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент вилояти вакили Дмитрий Коршунов билан бухоролик Шуҳрат Саъдиев тўртинчи ва бешинчи ўрин билан қаноатланишди. Тель-Авив шаҳрида бўлиб ўтган халқаро беллашувда қаршилик Исом Кенжаев, тошкентлик Роман Левченко билан Руслан Бектяков вазнларига кўра тўртинчи бўлишди.

УМИДЛИ БОКСЧИЛАР

• Тошкент вилоятида иқтидорли боксчиларни тарбиялашга аҳамият берилмоқда.

Чирчиқ шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон спартакиадасининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Юқори Чирчиқ туманида усмирлар ўртасида хотира совғини учун вилоят биринчилигининг ташкил этилиши ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирганди. Куни кеча Ангренда болалар ва усмирлар спорт мактаблари талабалари ўртасида вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақада туман боксчилари жамоа ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу муваффақиятга А. Жонтоев, Н. Эгамбердиев, М. Умаров, Э. Айнабеков, М. Умрзоқовлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Абдунаби МАННОПОВ.

Алоҳида ғаплар

УЛКАН ОЕҚЛАР СИРИ

Узоқ йиллар давомида Америкانинг шимолий ғарбида қўлга тушмас мавжудотлар кетидан изланган мутахассис ўзини муҳим тарихий ҳужжатларга дуч келдим, деб ҳисобламоқда. Ҳужжатлар қор одамга ўхшаш Бигфут аслида испан тадқиқотчилари томонидан 1530 йили Вашингтон штатига олиб келинган ҳиндулар авлоди эканлигини тасдиқлайди.

Қадимий тасвирларга кўра, ўша ҳиндулар қора танли, узун соч ва соқолли, бўйлари 2 метр, оёқлари яп-ялоқ ҳамда катта бўлган. Агар бу ҳақиқат бўлса, Непалдаги йети ва Хитойдаги ёввойи одамлар қадимги инсон аждоди эканлигидан дарак беради.

— Бигфут ёки Сасқуач дейилгувчи мавжудот испан истилочиси Фернандо Кортес 1934 йили қадимги ҳиндулар шаҳри Тўчаннога олиб келган 300 қулдан тарқалган бўлиб чиқади. «Сасқуач» атамаси эски испанча «сакуи» — «қул» сўзидан олинган, — дейди антропология тадқиқот бўлими президенти Терранс Митчелл.

Ҳужжатларда ёзилишича, конкистадорлар ва уларнинг қуллари порт қурганлар, аммо орадан бир неча йил ўтиб маҳаллий ҳиндулар ҳужуми пайтида бузиб ташланган. Колониядаги барча испанлар ўлдирилган. Портдан ташқарида яшаган қуллар эса ўрмон ичкарисига қочган. Ҳозиргача улар ўтиб бўлмас чангалзор ортида яшайдилар.

— Кейинги 450 йил давомида улар кўпайиб, кичик-кичик гуруҳларга бўлинган ва Шимолий Калифорния ва марказий Британия Колумбияси ўртасидаги одам боролмайдиган тоғ ҳудудларига тарқалиб кетган, — дейди Митчелл. — Улар ушлаб олса ўлдиради ёки қул қилади деган хаёлда замонавий одамлардан узоқроқ бўлишга интиладилар.

Сирли ёввойи одамлар узоқ аждодлари каби папоротник илдизлари, молюска, кийик ва айиқ гўшти билан тирикчилик қиладилар. Ҳайвон терисидан кийим кийиб, ғорларда яшайдилар. Ўқ-ёй, сопқон ва пуфлаб отиладиган қуроллари бор. Кундузлари ҳаракатчан, тунлари эса тўп-тўп бўлиб юришади. Уларни тутиш ёки яқин бориш амри маҳол. Тасодифан уларнинг ҳудудларига кириб қолган одамнинг тирик чиққани ҳақида гувоҳлар йўқ.

Ориф ФАРМОН.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки
маълум қиладики,
1996 йил 15 мартда
Банк акциядорларининг умумий мажлиси бўлади.

Кун тартиби:
1. Банкнинг 1995 йил иш якунлари ва 1996 йилги фаолиятининг асосий вазифалари тўғрисида.
2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида.
3. Фойдани тақсимлаш тартиби ва тўланадиган дивидендларнинг ҳажми тўғрисида.
4. Банк кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг таркиби тўғрисида.
5. Турли тадбирлар.

Мажлис соат 10.00 да бошланади.
Банк акциядорларининг шўъба мажлисида сайланган вакиллар соат 8.30 дан рўйхатга олинади.

Манзил: Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 98 (Киночилар уйи), метронинг "Ўзбекистон" бекати орқали борилади.

«УЗВОДКОВРОВСЕРВИС» қўшма корхонаси

Ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги дастгоҳларни сотади:
— Мармар плиталари ва табиий тошларни кесувчи дастгоҳлар.
— Маятникли арра.
Шунингдек, ностандарт асбоб-ускуналарни тайёрлаб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилади.
Мурожаат учун манзил:
Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 5.
Телефонлар: (37422) 6-16-87, 6-17-28.

Ўзбек-Турк «Акатэкс» қўшма корхонаси пул ўтказиш йўли билан 50 ва 15 кг.ли поли-пропилен ун қопларини, тегирмон вальцлари ҳамда IBM 486 Дх2—/66/350/SV6A компьютерларини сотади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6 уй. (Тельман боғи қаршисида). Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.
• *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
• *Газета офсет усулида А—2 форматида босилади*
• *Ҳажми 2 босма табоқ*
• *Г — 062*

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 24. 00.* *123456.*